Ушбу сонда:
2 БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 март, шанба №49 (1063)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ-ПОЛЯК КИТОБХОНЛАРИГА

Бугунги кунда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бир қанча тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг ўнлаб давлатларида чуқур ўрганилмоқда. Эндиликда польшалик китобхонлар ҳам мазкур асар билан танишиш имконига эга бўлди.

Islam Karimow



Współczesna Azja Centralna

Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти сиёсат психологияси марказида халқаро тадқиқот дастури асосида Дорота Мушинска-Волни томонидан поляк тилига ўгирилди. Нашр «Ҳозирги Марказий Осиё» махсус китоблар туркумида «Сиёсий раҳбарлар» лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Китоб Варшава университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти «Политейя» жамғармаси ёрдамида «Елипса» нашриётида чоп этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган нашрни тайёрлашда таниқли олим ва муҳаррирлар Тадеуш Бодио, Адам Войташик, Войцех Якубовски иштирок этди.

Ислом Каримовнинг мазкур китобига чет элда қизиқиш катталигининг боиси шундаки, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мақсад ҳамда вазифалари аниқ баён қилинган ва асослаб берилган. Ўтган аср охирида дунё харитасида мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотлар сиёсатига катта қизиқиш билан қаралмоқда. Зеро, давлатимизнинг кишиларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир замонавий бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги тажрибаси - жуда ноёб. Тарихан қисқа даврда жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида улкан ютуқларга эришилди, бунга юртимиз меҳмонлари ҳам ишонч ҳосил қилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро хўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, оламшумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг эътиборли фикрига эга.

Бироқ ислоҳотлар ва янгиланиш йўли равон ва машаққатсиз эмас. Президент Ислом Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб хавфсизликни сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга эришиш мумкин? Бу саволларнинг барчасига давлатимиз раҳбарининг китобидан батафсил жавоб топиш мумкин. Унда Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинибгина қолмай, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга доир аниқ, пухта тавсиялар, XXI асрда жамиятимиз ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби 1997 йилда дунё юзини кўрди. Китобда муҳокама этилган масалаларнинг нечоғлиқ долзарблигини унинг турли давлатлар ва турли тилларда нашр этилаётгани ҳам тасдиқлайди. Маълумки, ушбу китоб асосида мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари фильм яратишмоқда, унинг беш қисми экранларга чиқарилди. Фильм Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Россия, Франция каби давлатларда намойиш этилди. Хабар қилинганидек, яқинда Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон ва Нью-Йорк каби йирик шаҳарларида фильмнинг учинчи қисми тақдимоти ўтказилди. У барча жойда улкан асар сифатида қабул қилинмоқда. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда ва мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишни истовчилар ҳам тобора кўпаймоқда.

Китобнинг Польшада нашр этилиши Ўзбекистонни бу мамлакатга таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

ШЎРТАН ГАЗ — КИМЁ МАЖМУИ

Мажмуада қайта ишланган газдан йилига 125 минг тонна полиэтилен ҳомашёси ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга 4 миллиард кубометр суюлтирилган метанли газ етказиб бериш, бундан ташқари пропан-бутанли суюлтирилган ва енгил конденсат олиш мўлжалланган. Бу ерда тайёрланадиган полиэтилен ҳом ашёсидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун йилига 5 минг тонна плёнка, 10 минг тонна қувур ўрайдиган плёнка ишлаб чиқарилади.

республикамиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, у бир йилда 4,5 миллиард кубометр олтингугуртли газни қайта ишлаш қувватига эга

Оқтўдуқ яйловидан 11 километр узоқликда, Ғузор даштларига туташ қадимий тепаликлар бағрида улкан корхона қад кўтарди. Заводнинг самога кифт тираган юксак миноралари олисдан зангори маёқ сингари кўзга ташланади. Замонавий меъморчилик анъаналари асосида қурилган ҳашаматли бинолар чўл ўртасидаги оқ кемага ўхшайди.

Бундан тўрт йил муқаддам, аниқроғи, 1997 йилнинг 18 ноябрида корхонанинг дастлабки пойдеворлари ўрнатила бошланди. Қарши даштининг кўз очирмас чанг-тўзонлари, қаҳратон қиши, жазирама ёзи қурувчиларни ҳақиқий синовдан ўтказди. Истиқлол ҳавосидан баҳраманд бўлган бунёдкор йигит-қизлар қийинчиликларни мардонавор енгдилар.

Олег Сулаймонов «Шўртангаз» қурилиши ташкилотининг бош муҳандиси, иморатларга биринчи ғиштни қўйган бунёдкорлардан. Ўттиз йилдан бери Қашқадарё қурилишларида ишлайди. Амударё сувини Қарши чўлига оқизишга салмоқли ҳисса қўшган тажрибали мутахассис. У ҳар бир иншоотнинг қурилиш тарихи, лойиҳа қуввати, ишга тушиш вақтини ёддан айтиб беради.

— Ўтган йилларда 41 миллиард 405 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилди, - дейди бош муҳандис биз билан суҳбатда. - Қурилиши режалаштирилган 281 иншоотдан 201 таси фойдаланишга топширилди. Яна 80 та иншоот яқин кунларда ишга туширилади.

Газ-кимё мажмуи республикамизнинг иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун хизмат қиладиган улкан корхонадир. Қисқа муддатда 4 та йирик насос станцияси, 11,5 миллион кубометр сиғимдаги сув омбори, 37 километр ичимлик суви қувурлари, 20 километр темир йўллар, 220 киловаттли подстанция, 42 километр газ қувурлари, 62 километр асфальт йўллар қуриб фойдаланишга топширилди. Табиатни муҳофазалаш ва кимёвий моддаларнинг атрофга таъсир доирасини камайтириш мақсадида 329 гектарлик ихотазор барпо этилди. Бу ерда махсус ўрмон хўжалиги мавжуд бўлиб, кўкаламзорлаштириш ва боғлар барпо этиш ишлари қизғин тус олган. Келажакда 2400 гектар майдонда саксовулзор ташкил этилади.

— Мажмуанинг ижтимоий-маиший биноларини қуриш давом этмоқда, - дейди қурилиш бошлиғи Бахтиёр Алимов. - Яна 20 миллиард сўмлик қурилиш ва ободончилик ишларини амалга оширамиз.

Чўл бағрида кўркам ишчилар шаҳарчаси бунёд этилаяпти. Келажакда бу ерда 10 та 4 қаватли 42 хонадонли турар-жойлар, 310 та дала ҳовлили уйлар қурилади. 75 қатновга мўлжалланган врачлик пункти, меҳмонхона, ҳаммом, чойхона, мактаб, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди.

«Шўртан» газ-кимё мажмуи ва унинг ёрдамчи иншоотларини барпо этишда М.Ҳамроев раҳбарлик қилаётган 4-йўл қурилиш бошқармаси, Н.Жабборов бош бўлган 5-механизациялашган кўчма колонна, А.Ким бошқарувчилик қилаётган Қашқадарё нефт-газ саноати қурилиш трести бунёдкорларининг хизмати каттадир.

Аср қурилиши ва мустақиллик иншооти ишга тушадиган кунлар тобора яқинлашмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ХОНАДОН СОҲИБАЛАРИ МАМНУН

Галлаорол туманининг Янгиобод қишлоғи хонадонларида ҳам «зангори олов» ёна бошлади.

Бунинг учун туман газлаштириш идораси қурувчилари бир ярим километр масофага ўрта босимли газ қувурлари ётқизди. Ҳозирча қишлоқдаги 25 та хонадон табиий газ билан таъминланган бўлса, йилнинг иккинчи чорагида яна шунча хонадон соҳиблари бундай имкониятдан баҳраманд бўлади.

Қувайт тажрибаси: муносабат, мулоҳаза

МЕҲНАТ БИР ХИЛ, РАҒБАТ ЭСА...

Меҳнатни ташкил этиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлашда ҳар бир давлатнинг ўз қонунлари бўлади. Бу тартиб-қоидалар аҳолининг ҳеч бир табақасини камситмаслиги лозим. Шундагина бу борада халқаро меъёрларга риоя қилинган ҳисобланади.

Яқинда Қувайт амирлигида бўлганимизда, меҳнат қонунчилиги билан қизиқдик. Мамлакатда меҳнат муносабатлари қувайтликлар ҳаётига мос қирраларни ўзида шакллантирган ва бу жамиятнинг меросига айланган. Унинг асосий хусусияти шундаки, бу соҳада аҳоли икки гуруҳга ажралиб қолган. Мамлакат фуқаролари гуруҳи ва муҳожирлар гуруҳи. Биринчи гуруҳ амирликда жорий этилган барча қулайликлар, имкониятлар ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлар меҳнат қонунлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Иккинчи гуруҳ учун эса бундай имкониятлар ва имтиёзлар йўқ. Бироқ, тараққий этган давлатлардан таклиф этилган тажрибали мутахассислар хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган оддий муҳожирларга нисбатан бирмунча имтиёзларга эгалар.

Мамлакатда мутахассислар тайёрлаш, меҳнат муҳофазаси, унга ҳақ тўлаш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, пенсия таъминоти соҳаларида икки тизим ишлаб турибди. Бунда баъзи табақаларнинг камситилишига йўл қўйилмоқда. Шунга қарамасдан, Қувайт меҳнат қонунчилиги меъёрларига риоя қилишда Форс кўрфазидаги давлатлар ўртасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Ишга яроқли барча аҳоли асосан тўртта соҳа — идоралар хизмати, нефт саноати, хусусий сектор ва уй ишларида банд. Биринчи учта тармоқда барча ишловчиларнинг шарт-шароитлари қонунлар билан тартибга солинади. Яъни, давлат хизматчилари, нефт саноати ишчилари, хусусий сектор ходимлари учун алоҳида-алоҳида меҳнат қонунлари мавжуд. Лекин уй ишларида банд бўлган хизматчилар фаолияти бирорта қонуний ҳужжат билан тартибга солинмайди. Улар ўз манфаатларини умумий қоидалар асосида ҳимоя қиладилар.

Энг муҳим ҳужжатлардан бири хусусий сектордаги меҳнат тўғрисидаги қонундир. Унда иш берувчилар билан ишловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш кунининг тартиби, меҳнат муҳофазаси, таътил бериш, шартнома муддатлари сингари бир қатор қоидалар қайд қилинган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш билан Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги шуғулланади. Қонунга кўра маҳаллий аҳоли биринчи, тараққий этган давлатлардан келганлар иккинчи, араб давлатлари фуқаролари учинчи ва бошқа мамлакатлар вакиллари охирги навбатда ишга қабул қилинадилар. Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи баъзи халқаро ташкилотлар негадир бунга эътибор беришмайди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОР ФЕРМЕР

Урганч туманидаги «Қаҳрамон» қишлоғида жойлашган «Асад» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Ёқубов полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Бу маҳсулотга хоразмлик деҳқонлар орасида талаб катта. Қ.Ёқубов бу ишни фақат иқтисодий фойда олишгина эмас, балки жонажон қишлоғини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида амалга оширганини таъкидлайди.

- Оиламиз катта бўлсада, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, - дейди ёш фермер. - Бизга доимий фойдаланишга берилган 10 гектар ерга ишлов бериб, яхши даромад олмоқдамиз. Мақсадим жонажон қишлоғим, юртимнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Қаҳрамонда саноат цехини ташкил этиш нияти Жиззахда жойлашган «Ўзкимёсаноат» компаниясининг полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш корхонасини бориб кўргандан сўнг пайдо бўлди. Бизнес режани пухта ишлаб чиққандан сўнг «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Урганч бўлимидан 5 миллион сўм кредит олди. Қишлоқ четидаги ташландиқ дўкон биносини сотиб олиб, Россиядан келтирилган ускуналарни ўрнатди. Ишлаб чиқариш хомашёсини ҳам Россиядан рус истеъмолчиларига сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эвазига келтирмоқда. Цех бир сменада 300 килограмм сифатли плёнка ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозори чаққон. Ишбилармон фермер олти нафар қишлоқдошини иш билан таъминлади.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

САХОВАТ

Одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир. Айниқса, ана шундай олижаноб туйғуларни ўзида мужассам этган қутлуғ Наврўз кезларида эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, меҳр-мурувват кўрсатиш анъанага айланган.

Тошкентдаги 2-мактаб-интернатида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси ва Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан ташкиллаштирилган хайрли тадбир ўтказилди.

Ушбу масканда таълим-тарбия олаётган, боқувчисини йўқотган ўғил-қизларга байрам туҳфаси — кийим-кечак ҳадя этилди. Шунингдек, 2 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, кам таъминланган темирйўлчилар оиласи фарзандларидан 166 нафарига турли хил совға-саломлар улашилди.

Ф.АБДУЛЛАЕВА.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Касб-ҳунар лицейи ўқувчилар касаба уюшма қўмитаси томонидан яқинда оилавий шароити оғир бўлган 40 нафар талабаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Айтиш мумкинки, Нурота туманидаги бу билим масканида ҳар бир байрам ёшлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Шу куни турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилиб, мусобақа ғолиблари касаба уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Дарвоқе, спорт тадбирларига бўлган эътибор ўқувчиларни вилоят, республика мусобақалари фаол иштирокчисига айлантирмоқда. Ўтган йили лицейнинг «Ёш автомобилчи»лар республика кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

С.ЯРАШЕВ.

БАХТИНГ БОР ДЕБ, ЭСАДИ ЕЛЛАР

Ҳамза номли Шаҳрисабз педагогика билим юрти жамоаси ҳам Наврўзни кўтаринки руҳда байрам қилди. Салкам 1,5 минг нафар талаба тўрт йўналиш бўйича ўз билимларини ошираётган, 110 нафар мураббий таълим бераётган билим даргоҳи учун бу табиийдир. Умумхалқ байрамида у ҳақиқий тантаналар марказига айланиб кетди. Дастурхонларга хилма-хил тансиқ таомлар тортилди.

Тўпланганларни билим юрти директори, фалсафа фанлари номзоди Маҳмуд Маматов самимий табриклагач, даврага халқимизга эзгулик, тинчлик, бахт-саодат тилаб, баҳор элчиси - Баҳорой кириб келади. Ва бу шодлик эпкинига уйғунлашиб санъаткорларнинг шўх мусиқа садоларидан қалблар қувончга тўлди. Хусусан, Чарос Ибрагимова, Қундуз Умарова сингари ҳаваскорлар ижро этган саҳна кўринишлари, ҳазил-мутойибалар тантанага ажиб руҳ бағишлади.

— Баҳор байрамини ҳеч қачон бугунгидек кўтаринкилик билан кутиб олмаган эдик, - дейди М.Маматов. — Ободонлаштириш ойлигида талабалар саъй-ҳаракати билан 4 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳақиқатан ҳам билим юрти ҳовлисидаги 3 гектарли боғ, унга туташ бўлган иссиқхона ён-атрофга файз бағишламоқда, қолаверса бундан жамоанинг иқтисодиётига наф келмоқда. 450 ўринли ётоқхонада эса талабалар учун барча қулайликлар мавжуд. Неъмат Бердиев, Алланазар Бобоназаров, Боқи Худоёров, Ҳақназар Шавалиев сингари фахрий ўқитувчилар ҳар бир дарахтни парвариш қилишда ёшларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар...

Тиббиёт ўқув масканида тонг билан бошланган байрам шодиёналари кечгача давом этди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: билим юрти талабаси Шаҳноза Мирзаева.

БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА

Нурота туманида 2060 нафардан зиёд ўқитувчи келажагимиз ворисларига фан сирларини ўргатишмоқда. Энг аҳамиятлиси, муаллим-тарбиячилар ўқув тарбиявий машғулотларнинг сифат жиҳатидан талабларга жавоб бериши устида кўпроқ бош қотирмоқдалар. Айтиш мумкинки, ана шу йўналишда ижобий ўзгаришларнинг юзага келишида туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси муайян рол ўйнаётир.

Қўмита тегишли қарор, дастур талабларини амалиётга татбиқ этишдан ташқари, касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ҳужжат ҳисобланган келишув ва жамоа шартномаларининг бандма-банд бажарилишини назорат қилмоқда. Қозонда бори чўмичга чиқади деганларидек, ушбу ҳужжатга имзо чекилмасдан аввал у ишловчиларни ҳар томонлама ҳимоя қила олишни таъминлайдиган даражага етгунга қадар таҳрир қилинади. Тармоқ қўмитасининг туман халқ таълими бўлими билан тузган шартномаси жараёни ҳам юқоридаги тарзда бўлди. Шуни эътироф этиш лозимки, мазкур шартнома бандларида кўзда тутилган аксарият мажбуриятлар бажарилди. Айниқса, касаба уюшма аъзоларининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган бандлар амалга оширилиши натижасида 4 та мактаб ва 12 та болалар боғчаси табиий газдан баҳраманд бўлди. Яқин орада яна 3 та ўқув масканига зангори олов тармоғи уланади.

Ўғил-қизлар саломатликларини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия, спортнинг оммавий турлари билан шуғулланиш ва кўнгилли хордиқ ўрнини ҳеч нарса босолмаса керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларининг барчасида жами 660 та тўгарак ва спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларга салкам 9 минг нафар ўқувчи жалб қилинди. Спорт йўналишидаги ўқув юртларида эса қарийб 3 минг нафар ёш чиниқиш синовларидан ўтмоқда. Шундай тадбирлар айниқса, болалар оромгоҳларида севимли машғулотга айланди. Умуман, соғломлаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича ташкил этилган тадбирларга ижтимоий суғурта ҳисобидан 1 миллион 416 минг, касаба уюшма бадалларидан эса 303 минг сўмдан кўпроқ сарф-харажат қилинди. 38 нафар ўқитувчининг дам олиб, даволаниши учун кетадиган маблағнинг асосий қисмини ҳам юқоридаги ташкилотлар кўтардилар. Иккинчи гуруҳ ногирони Жамила Мамараҳимовага ҳадемай «Мохи-Хосса»га, яна бир фахриймиз учун эса «Турон» санаторийсига бепул йўлланма олиб берилади.

Ўқитувчи-педагоглар ўртасида меҳр-оқибатни янада чуқурлаштириш, истисносиз айрраббийларни фахрийликка кузатиш маросими ана шундай эсда қоларли қилиб нишонланди.

Ходимларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлашга, бизнингча, долзарб масалалардан бири деб қараш керак. Чунки улар ёрдамида камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш йўллари белгиланади. Билдирилган фикр-мулоҳаза, таклифистаклар умум ишимизда ўзгариш ясашга туртки бўлиши мумкин. Шу боис бизга тушган 36 нафар ходимнинг мурожаатидан 34 таси ижобий ҳал этилди. 2 таси эса келгуси ойларда ўз ечимини топади. 10-мактаб директори Маҳмуд Қодиров автотранспорт фалокатидан кўрган зарарга тегишли товон пулини ундиролмай юрганида бу масалада унга яқиндан ёрдам берилди. 1-ихтисослашган ўқув юрти ўқитувчиси А.Худойназаров ноқонуний ишдан бўшатилгани хусусидаги ариза эса вилоят касаба уюшма ходимлари Кенгаши вакиллари аралашувидан кейин ижобий қондирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жорий йилда амал қиладиган жамоа шартномалари оналар ва болаларнинг манфаатларини янада мустаҳкамроқ муҳофаза этишни кўзлаган янги бандлар билан тўлдирилди. Уларнинг айримлари юзасидан маълум тадбирлар ҳам амалга оширила бошланди. Жумладан, ҳудуддаги барча таълим муассасаларида ногирон, кам таъминланган, кўп болали аёллар рўйхати тузиб чиқилди, ёш оналарнинг иш соати қисқартирилиб, меҳнат таътилларига имтиёзлар қўшиб берилди. Уч ёшгача боласи бор педагогларнинг дам олиши, даволанишлари учун қулайлик, енгилликлар яратилди. Ўқувчиларни ўқув қуроллари ва бепул дарсликлар билан таъминлаш ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўйлаймизки, агар ушбу режаларни муваффақиятли амалга оширсак ёш авлодни тарбиялаш самарадорлигига эришган бўламиз.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ,
Нурота туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Тошлоқ тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ишчи-хизматчилари ўзларининг намунали меҳнати билан элга манзур бўлмоқдалар. Уюшма қошида чеварлик, сартарошхона, пойабзал тикиш ва радио-телевизор таъмирлаш устахонаси ташкил этилган бўлиб, асосан ёшлар иш билан таъминланган.

Суратларда: қўли гул чевар Дилдора Обидхўжаева; ёш ҳунарманд Абдурашид Усмонов.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.



НОЁБ ТИББИЙ АСБОБ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий текшириш институти қошидаги Репродукция маркази яна бир замонавий тиббий асбоб билан бойиди. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси томонидан тақдим этилган ультра товуш асбоби бўлажак оналар ва ёш аёллар саломатлигини текшириш, хасталикларга тезкор ва аниқ ташҳис қўйиш имконини беради.

Марказга, шунингдек, мазкур жамғарма томонидан умумий гинекологияга оид илмий адабиётлар ҳам тақдим этилди.

(ЎзА).

МЕҲНАТ БИР ХИЛ, РАҒБАТ ЭСА...

(Боши 1-бетда).

Хусусий секторда ойига 650 динордан кам иш ҳақи олмайдиган баъзи мутахассислар амирликка ўз аёлларини ёки фарзандларини таклиф қилишлари мумкин. Бошқалар эса бундай ҳуқуққа эга эмаслар.

Мамлакатда иш ҳафтаси олти кун қилиб белгиланган. Иш куни эса саккиз соат. Жума ва байрам кунлари ишлаганларга қўшимча ҳақ тўланади. Бир йилдан беш йилгача ишлаганларга ҳар йили 14 кун таътил берилади. Беш йилдан кўпроқ ишлаганларга эса йиллик таътил муддати 21 кун қилиб белгиланган. Ҳомиладор аёллар 42 кунлик иш ҳақи тўланадиган таътил олишлари мумкин. Меҳнат қонунчилигида ишловчиларни турли йўллар билан рағбатлантириш ёки уларга йил якуни бўйича ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган. Шунга қарамасдан, баъзи хусусий идоралар ва ташкилотлар ходимларни йил охирида бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотлаш тажрибасини қўллашяпти.

Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун эса фақат қувайтликлар учун қўлланилади. Унда пенсиядан ташқари меҳнатга қобилиятсизлиги, касаллиги, боқувчисини йўқотганлиги учун фуқароларга нафақа берилади. Бироқ, иш берувчи ҳам, ишловчи ҳам ўзи оладиган ойликнинг ўртача 5-10 фоизини ижтимоий муҳофаза фондига ўтказиши шарт. Шу боисдан бўлса керак, ишловчи солиқ тўламайди.

Муҳожирлар учун тартиб-қоида бутунлай бошқача. Улар Қувайтда вақтинчалик яшаш учун рухсатнома олиш ёки унинг муддатини узайтириш, битта ҳомийдан иккинчисига ўтиш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ турли жараёнлар учун ҳақ тўлашга мажбурлар. Мисол учун, Қувайтда вақтинча яшаб турган муҳожир ўз аёли ва икки фарзандини бу ерга таклиф қилиш учун 100 динор (330 доллар) тўлаши шарт. Учта бола учун эса 200 динор. Шу боис, чет элликлар камдан-кам ҳоллардагина бу ишга қўл урадилар.

Ходимни ишдан бўшатиш масаласида ҳам икки хил қоида мавжуд. Агар қувайтлик ишдан бўшатилмоқчи бўлса, у бир ой олдин бу ҳақда хабардор қилинади. Иш берувчи бу хатти-ҳаракатининг сабабини аниқ кўрсатиши керак. Шунингдек, ишдан бўшаётган ходимга бир ойлик иш ҳақи миқдоригача нафақа берилади. Муҳожирлар учун эса бундай тартиб-қоида йўқ.

Меҳнат қонунчилигида ишлаётган аёлларга алоҳида аҳамият берилган. Уларнинг фаолият кўрсатишлари тақиқланган соҳалар ҳам бор. Шунингдек, аёлларнинг кеч соат 7 дан эрталаб соат 6 гача ишлашлари қонунда қатъиян маъ қилинади. Бироқ, баъзи соҳаларда бунга рухсат бор. Жумладан, тунда шифохоналарда ишлаш мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашда эса аёллар эркаклар билан тенглаштирилган. Иш кунининг вақтида ҳам тенглик мавжуд. Бунга аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ютуқ сифатида қаралмоқда.

Ишлаётган ходимларнинг ҳуқуқларини касаба уюшма ташкилоти ўз муҳофазасига олган. У очиқ фаолият кўрсатади. Касаба уюшма аъзолигига фақат маҳаллий фуқаролар қабул қилинади. Бошқа ишловчилар унинг фаолиятида фақат иштирок этишлари мумкин. Бироқ, овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Амирликдаги энг катта касаба уюшма қувайтлик ходимларнинг умумфедерация бирлашмасидир. Унинг 12 минг нафар аъзоси бор. Уларнинг аксарияти давлат идораларининг хизматчилари ҳамда нефт саноати корхоналарининг ходимларидир. Шунингдек, банк хизматчилари касаба уюшмаси ҳам хусусий сектор ходимлари ўртасида катта таъсир кучига эга.

Айни пайтда амирликда хусусий секторда меҳнат тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Уни ишлаб чиқишда Халқаро меҳнатни ташкил этиш ташкилотининг инсон ҳуқуқлари, ходимлар билан муомалада халқаро андозалар, иш берувчилар ҳамда ишловчилар ўртасидаги муносабатлар юзасидан берган таклифлари ва мулоҳазалари эътиборга олинмоқда. Лойиҳада йиллик таътил ҳамда касаллик вақти учун бериладиган пул миқдорини кўпайтириш кўзда тутилган. Меҳнат қонунчилигини хусусий уйлардаги хизматчиларга ҳам жорий этиш масаласи кўриб чиқиляпти. Иш берувчи ўзи ишга ёллаган ходимнинг ҳуқуқини поймол қилган тақдирда унга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдорини ошириш таклифи ҳам лойиҳада акс этиши мумкин. Янги қонун қабул қилинганидан кейин ишловчи ходимлар меҳнатда халқаро талабларга бирмунча мос ҳуқуқларга эга бўладилар. Бироқ, меҳнат қонунчилигида Қувайтнинг туб аҳолиси билан муҳожирлар ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ бундан кейин ҳам сақланиб қоладиган кўринади.

Иброҳим НОРМАТОВ.

ИНСОН СОҒЛИҒИ ҲАР НАРСАДАН АЗИЗ

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати республикада энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 32 та цех мавжуд бўлиб, уларда қарийб 10 минг нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазасига, ишчиларнинг саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор билан қарайди. Корхонада ана шу мақсад йўлида барча шарт-шароитларга эга, бир йўла 100 кишига хизмат кўрсатувчи тиббиёт санитария бўлими ва ёнма-ён жойлашган даволаш муассасаси мунтазам ишлаб турибди. Бўлимлар ва хоналар янги ускуналар ва зарур дори-дармонлар билан таъминланган, малакали тиббиёт ходимлари доимо улар хизматида.

Меҳнаткашлар ушбу тиббиёт масканига мурожаат этиб, кўп вақтларини сарфламайдилар. Цехлар қошида 6 та тиббий бўлим ва биринчи ёрдам шоҳобчаси фаолият кўрсатмоқда. Тунги сменада меҳнат қилувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳамшираларнинг навбатчилиги, «Тез ёрдам» машинасининг хизмати ташкил этилган.

Корхонада, аввало, иш ўринларида зарур шарт-шароитларни яратишга, хавфсизлик қоидаларига етарли даражада амал қилинаётганлиги туфайли кўнгилсиз ҳодисалар рўйхатга олинмаган. Касблар бўйича тиббий кўриклар ўз вақтида ўтказиб борилаётганлиги боис ишчиларга касаллик варақалари очиш ҳоллари кам.

Табиийки, меҳнаткашларнинг ишлаш ва дам олишлари учун энг асосий шарт-шароитлар яратилган жойда маҳсулот сифати юқори, иш унумдорлиги юксак бўлади.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бекобод туманидаги «Долварзин» нон заводига янги раҳбар — тадбиркор Шавкат Ҳамидов тайинланган корхонада тубдан ўзгаришлар қилинди. Ўтган йили ҳисоб-китобларга қараганда кўрсаткичлар икки баробарга ортди.

Ҳозирда корхонада 12 турдаги нон, қандолатчилик, 2 хил макарон маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилмоқда. Эндиликда узун макарон ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш мўлжалланган.

Шунингдек, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилади. Уларга иссиқ овқат, сут ва сут маҳсулотларини бепул бериш, йиллик меҳнат таътилига чиқаётганларга қўшимча бир ойлик маош ажратиш йўлга қўйилган.

Суратларда: ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Сатторхўжа Бўрихўжаев ва технолог Рўзигул Дўстматова маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти; уста новвой Фозил Ризаев.



Д.АҲМАД олган суратлар.

Қатағон қурбонлари

ИЗТИРОБ

Мустақил бўлганимизга ҳам ўн йил тўлаяпти. Истиқлол шукуҳи миллий урф-одатларимизни, ўзбекона анъаналаримизни қайтадан шакллантиришга имкон берди.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратмоқчиман. Ўқувчилик йилларимда мактабимиздаги устозлардан бири деярли ҳеч ким билан гаплашмас, доимо хомуш юрарди. Бир куни у кишини қўярда-қўймай гапга солдик. Шунда у: «Эй болалар, ҳали улғайганда билиб оласизлар, мен халқ душманининг фарзандиман, ҳа, пешонамга шундай тамға босилган», дея кўзида ёш билан чиқиб кетганлигини ҳалиҳануз эслайман.

Хайрият, бахтимизга Истиқлол қуёши порлади. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори мактабда ўқитган ўша устозим сингари неча минглаб жабрдийдалар дардига малҳам бўлди. Ушбу қарордан кейин Тошкент шаҳар ҳокимияти Давлат архивига нафақат пойтахтимиз ва республикамиз аҳолисидан, балки Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам сўровномалар ёғилиб кела бошлади. Бу мактубларнинг эгалари қатағон қилинганларнинг узоқ-яқин қариндошуруғлари тўғрисида ҳамда шўролар даврида мол-мулки, уй-жойлари мусодара қилинганлар ҳақида маълумотномалар беришни сўраганлар.

Архивда сақланиб келинаётган айрим ҳужжатлар ва тақдирлар устидан чиқарилган ҳукмларга бир-бир назар ташлаймиз. Уларнинг аксариятида миллатнинг устидан кулиш, унинг ҳақ-ҳуқуқини таҳқирлаш кўзга ташланиб туради.

Тошкентнинг Кўтармаариқ маҳалласилик Набижон Қосимов ўзбекнинг оддий фарзандларидан бири эди. Унинг устидан чиқарилган ҳукмни таҳрирсиз, айнан келтирамиз.

«...У савдогарлардан бўлиб, ўзи 1927 йилга қадар доимий суратда қассоблик иши билан машғул бўлиб келган. 1932 йилда Тошкент район бозорида сигир олиб сотиб турганлиги учун молия шўъбаси томонидан ушланган, қарамоғида икки ярим таноб боғи бўлиб, доимий мардикор кучидан фойдаланиб келган. Шу сабабларга мувофиқ қулоқликка тортилган. Шунинг учун қулоқликда қолдирилсин. 1932 йил 16 май».

Эътиборингизга яна бир инсон тақдирига нисбатан чиқарилган мажлис қарорини ҳавола қилмоқчимиз. Бунда ҳам қарорнинг айнан матнини келтирамиз.

«Гулистон» маҳаллалик Райимхўжа Расулхўжаев

аҳволи савдогар, доимий равишда мевапурушлик, сўнг сутпурушлик билан машғул бўлиб келган. Уйига квартирант қўйиб фойдаланган ва қарамоғида икки таноб боғи бўлиб, 1933 йилдан қишлоқ хўжалиги иши билан машғул бўлиб келган. Шу нишонларга мувофиқ қулоқликка тортилсин».

Мана сиз, ўзбекнинг икки фарзанди - икки бегуноҳ инсоннинг тақдири якуни билан танишдингиз. Ўзбекистон заминида туғилиб ўсган, аммо қадрдон гўшасида елкаси офтоб кўрмаган бу каби қатағон қурбонларининг сони-саноғи йўқ.

Ҳужжатлардаги уларга қўйилган айбномаларни ўқир экансиз, ўша замонлар инсон тақдирини ҳал қилувчиларнинг қанчалик саводсизлигига амин бўласиз ва беихтиёр файласуфлардан бирининг «Маънавият ва маърифат паст бўлган даврда ноҳақлик ҳукмрон бўлади», деган гаплари ёдингизга тушади.

Ф.ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар давлат архивининг директори.

«БАЛЛИ, РАИС» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Яқинда Ўртачирчиқ туманининг 10-умумтаълим мактабида «Оналар ва болалар» йилига бағишланган «Балли, раис» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тошкент вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган кўрикда туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари аёл раислари қатнашдилар.

Танлов ўтказишдан мақсад иқтидорли ва ижодкор касаба уюшма қўмиталари раисларини аниқлаш, «Аёл — она, аёл — раҳбар, аёл — мураббий» шиорини тарғиб қилиш эди. Шу боис иштирокчилар оила, ҳуқуқ, тарих, маданият ва бошқа соҳага оид кўплаб саволларга тўхталдилар.

Чирчиқ шаҳар тармоқ қўмитаси раиси Мукаррам Исроилова ўз иқтидорини намойиш этиб, танлов ғолиби бўлди. Оққўрғон туман қўмитаси раиси Қутби Рустамова иккинчи, Янгийўл туман қўмитаси раиси Малика Турсунбоева учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Совриндорлар ва иштирокчилар вилоят қўмитасининг «Фахрий ёрлиғи» ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ю.ҒУЛОМОВ.

TV дастури

2-8 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 2

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон» киножурнали.
9.05 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
9.25, 12.25 ТВ-метео.
9.30 «Санъат олами».
9.50 ТВ-клип.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Муқаддима». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳруҳ клуби».
12.30 «Саёҳат». Мультфильм.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.10 Муножот Йўлчиева куйлайди.
13.45 ТВ-1 намойиш этади.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.50 ТВ-клип.
15.00 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси. Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.05 «Иш билганга минг танга». Телетанлов.
16.55 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
17.30 Экранда -телесериал. «Индаба».
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 Мусиқий альбом.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.35 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
22.00 «Маънавият» дастури.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс. «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон».
10.25 Мультфильм.
10.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».



11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40, 17.20 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
12.45 «Тоғнинг гули ўзгача».
13.05 «Ажаб саодат эрур». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.05 Ўзбегим қураши.
14.25 Жаҳон жуғрофияси: «Қимматбаҳо тошлар».
15.15 «Наврўз оҳанглари». Мусиқий дастур.
15.45 «Самодаги пойгалар». Бадиий фильм. 1-қисм (Англия)
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Уйғониш асри».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Даврон Эргашев куйлайди.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.35 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.05-1.10 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00, 22.40, 00.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Авто-news».
22.00 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Кинонигоҳ. «Танишинг, Джо Блэк». 1-қисм.
23.10 Кинонигоҳ. «Бетти Лу ҳамёни».
00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.25 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Америкага назар».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
17.45 «Икки рояль».
18.30 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
*
РЖТ
18.40 «Зарби қаттиқ куч-2».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Х-спорт».
21.55 Кинематограф. Джесика Ланж «Ширин орзулар» фильмида.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мусаввир», «Қушлар».
9.25 «Бастакор илҳоми». Тележурнал.
9.45, 12.50 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 ТВ-1 кинотеатри: «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
11.15 «Камолот сари».
11.35 «Рақслар гулдастаси».
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
12.55 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». Мультфильм.
13.25 ТВ-анонс.
13.30 Эстрада тароналари.
14.10 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
14.35 «Остонаси тиллодан».
14.55 «Иф қалъасининг маҳбуси». «Интиқом». Бадиий фильм. 3-қисм.
16.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) - «Пахтакор» (Тошкент), «Насаф» (Қарши) - «Дўстлик» (Тошкент вилояти)
18.10 «Фарзанд - умид юлдузи».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Аския кечаси».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.45 «Долзарб мавзу».
22.05 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
«Тунги ҳамроҳ»:
22.25 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
22.45 «Дунё эшиклари очилсин бизга».
23.05 «Олам». Телеальманах.
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс: «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».

9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.50, 10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «Давр»-интервью.
10.30 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Ёшлар овози».
11.35 Болалар экрани. «Кизил қор ёққанда».
12.50 Таянч.
13.05 «Дийдор».
13.25 Ёшлар куйлайди.
13.35 Газал соғинчи.
13.55 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.40 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
15.00 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.25 «Авторейд».
15.40 «Қайнона». Бадиий фильм.
16.55 Очун.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.50 Мультфильм.
18.15 Мусиқий лаҳзалар.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд».
20.35 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари: «Хўжа» гуруҳи.
20.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Супер одамлар».
21.45 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.15-1.20 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30, 21.00, 23.00, 00.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.05 «Биласизми?».
22.20 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ. «Танишинг, Джо Блэк». 2-қисм.
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «СНН-шоу».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
17.45 «Клип-антракт».
*
РЖТ
18.00 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
21.05 «Бебилиска пул». Сериал.
21.55 Кинематограф. Том Хенкс «Катта» фильмида.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 5

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.15 , 12.30 ТВ-метео.
9.20 «Миллионлар ўйини». Футбол шарҳи.
9.40 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 Болалар экрани: «Ана, Бумбо келди». Бадиий фильм.
11.35 «Инсон ва қонун».
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Бизга аталган кун». Адабий кўрсатув.
12.35 Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.55 «Мусиқа ва маънавият».
13.15 «Олам». Телеальманах.
13.50, 16.50 ТВ-анонс.
14.10 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.
14.45 «Бинокор».
15.00 «Цирк, Цирк, Цирк!».
15.20 Саргузашт фильмлар экрани: «Прерия». Бадиий фильм.
17.00 «Сараларнинг сараси».
17.20 ТВ-клип.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий -публицистик кўрсатув.
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.45 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
22.25 «Қиёфа».
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси : «Қувноқ учрашув».
9.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.00, 11.35, 13.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 «Сийрат».
10.30 Ёшлар овози.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.25 «Чинор остидаги дуэл». Бадиий фильм.
14.30 «Сенинг вақтинг».
14.50 «Спорт-қитъаси».
15.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
16.30 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1-қисм
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
18.05 «Дастхат».
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 COSCOM хабарлари.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.30 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 «Бегойим».
21.40 Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.05-1.10 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00, 22.45, 00.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Ҳуқуқимиз кафолати».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ. «Уч юз спартанлик».
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.25 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50. «Кун мавзуси».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
17.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
*
РЖТ
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
*
18.40 Махфий ҳужжатлар (X-files) Сериал.
19.30 «Клип-антракт».
*
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.40 «Кино сайёраси».
22.00 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 6

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тикланиш йўлида».
9.10 Бекобод мусиқа билим юрти халқ чолғу оркестрининг концерти.
9.35, 12.30 ТВ-метео.
9.40 «Дунё эшиклари очилсин бизга».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
11.35 Сиртқи телевизион олимпиада.
11.55 ТВ-анонс.
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Қорақалпоғистон.
12.35 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
12.45 «Ўзбекистон спорти».
13.05 «Саҳна ҳаёти».
13.50, 15.30 ТВ-анонс.
14.10 «Оталар чойхонаси».
14.55 «Миллий манфаат».
15.35 Кундузги сеанс: «Малина виноси». Бадиий фильм.
17.00 «Тилга эътибор».
17.20 ТВ-интернет.
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Кичкинтойлар-гижингтойлар».
18.25 «Парламент вақти».
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Э. Воҳидов лирикаси.
21.45 «Долзарб мавзу».
22.05 «Олам». Телеальманах.
22.40 ТВ-клуб.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Курьер». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55, 14.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
12.55 «Жозиба» гуруҳи куйлайди.
13.10 Бегойим.
13.30 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 3-қисм.
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари» .Телесериал. 80-қисм.
15.10 Синфдош.
15.40 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 Одамлар орасида.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» саёҳати.
17.35 Ёшлар ва маънавият.
17.50 Олтин мерос.
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.10 «Автосалтанат».
18.25 «Одил сўз».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Саломат бўлинг.
19.55 «Аср қиёфаси».
20.15, 21.05, 22.30 Эълонлар
20.20 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.10 «Баҳс».
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 23.00, 00.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Фармацевтика оламида».
21.55 «Мусиқа ҳаётимизда». VI замонавий мусиқа фестивали олдидан.
22.20 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ. «Чангалзорлик одам».
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN»Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
*
17.45 «Клип-антракт».
*
РЖТ
17.55 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Бебилиска пул». Сериал.
21.55 «Дурдаршан».
22.15 Кинематограф. «Рақсга аёллар таклиф этади». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 7

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Тележурнал.
9.10, 11.35 ТВ-метео.
9.15 «Ҳидоят сари».



9.40 Телевизион миниатюралар театри.
10.10 «Гавҳар». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
10.25 «Соҳибжамол ва махлуқ». Мультфильм. 2-қисм.
11.40 «Нотаниш дил сухбати».
11.55 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.40 ТВ-1 кинотеатри: «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.00 ТВ-анонс.
14.10 «Дўстлик» видеоканали. 1.«Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.30 ТВ-1 кинотеатри: «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 «Ҳаёт қомуси».
16.05 «Назм ва наво». Э. Воҳидов лирикаси.
16.45 «Қуёш каби боқийсан, Наврўз!»
17.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
18.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» - «Динамо-Самарқанд». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
18.50 «Бировнинг устидан кулма». Мультфильм.
18.55 «Ранглар жилоси».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.20 «Мусиқа: кеча ва бугун».
21.50 «Шанба оқшомида».
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Рейчелл Хердкаал». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» саёҳати.
9.20 Жаҳон жуғрофияси: «Қиматбаҳо тошлар».
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Аср қиёфаси».
10.35 «ТВ-саёҳат».
10.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.50 «Бола тилидан».
12.20 «Рамаяна». Телесериал.
12.55 «Интернет-фестиваль».
14.40 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадиий фильм. 4-қисм.
15.25 «Азизим».
15.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.30 Ҳуқуқ ва бурч.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.15 Мультфильм.
17.25 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
17.45 «Саломатлик сирлари».



18.05 «Футбол плюс...»
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Каталог».
19.45 «Ҳайрат».
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 «Кутилмаган меҳмон».
20.35, 21.15, 23.00 Эълонлар
20.40 «Рамаяна». Телесериал.
21.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Бунёдкорлик» туркуми: «Азалий, қадимий, ўлмас...»
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 Кинотақдим.
23.05 Шанба экрани. «Ҳаёт баҳоси». Бадиий фильм.
0.35 «Дирижабль».
0.55-1.00 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Эҳтиром ила».
19.00 «Мистер Бин». Ҳажвий сериал.
19.30, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05 «Руҳият».
21.20 «Интер-спорт».
21.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.55 «Дарвоқе...» Ҳажвий кўрсатув.
22.15 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Фаришта».
00.55-1.00 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

8.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.05 «Инглиз тили Сиз учун».
8.30 «Кино сайёраси».
8.50 «Дурдаршан».
РЖТ
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
***
10.10 «7 дан 70 гача».
10.40 «Экран зийнати ва қиймати».
11.00 Кундузги сеанс: «Кемадан ташқарида». Бадиий фильм.
12.45-13.35 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари».
***
ЎзТВ-IV
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Саёҳатлар олами».
17.20 «Интернет ҳудуди».
17.35 CFI тақдим этади: Катрин Лара иштирокидаги концерт дастури. 1-қисм.
РЖТ
18.05 Буюк изқувар: Коломбо ва бошқалар.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Эксклюзив».
21.05 «Ассалом, Франция!»
21.20 Севара Назархон куйлайди. Концерт дастури.
22.00 Америка киноакадемиясининг «Оскар-2001» мукофотини топшириш маросими.
23.35 Кинематограф. «Имконият чўққиси». Бадиий фильм.
1.10 «Ахборот» (рус тилида)
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 8

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 Халқ севган достонлар.
9.30, 12.25 ТВ-метео.
9.35 «Ғаройибот».
9.50 «Уч қурбақа». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.
11.35 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Фарзандим -дилбандим».
11.55 ТВ-клип.
12.00 «Шоҳруҳ клуби».
12.30 Экранда комедия: «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
13.40 «Туҳфа». Мусиқий дастур.
14.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
14.50 Мустақиллик тимсоли. У. Азим «Кундузсиз кечалар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.50 Яккама-якка жанг. Каратэ.
16.10 У. Азим. «Кундузсиз кечалар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
17.00 ТВ-анонс.
17.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.35 «Бўстон». Тележурнал.
17.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.35 «Қўшиқларимиз Сизга армуғон». А. Латипов.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
22.45 «Олам футболи».
23.15 ТВ-1 намойиш этади: «Якшанба кинозали»:
23.30 «Валинеъмат». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.20 «Футбол плюс...»
9.40 Ёшлар овози.
10.00, 16.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 Болалар экрани. «Бэмби». Мультфильм.
11.30 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари».
12.10 «Очил дастурхон».
12.25 Ватан ҳақида қўшиқлар.
12.35 «Рамаяна». Телесериал.
13.10 «Соғинч». Тамарахоним.
13.30 «Кўнгил чақмоқлари». Бадиий фильм
15.00 «Темурнома». Видеофильм.
15.20 Олтин мерос.
15.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.45 «Спорт ҳафтаномаси».
16.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Супер одамлар».
17.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
17.20 Вилоятлар ёш хонандалари куйлайди.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
18.00 «Бу мунис лаҳзалар».
18.20 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ҳафта ичида.
19.40 Авазбек Маҳмудов куйлайди.
19.55 «Якшанбада кўришгунча».
20.10 «Соҳибқирон ёди...»
20.35, 21.15, 22.25 Эълонлар
20.40 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 «Синфдош». Тошкент Педагогика коллежининг илк қалдирғочларига бағишланади.
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр»-news.
22.15 Тунги тароналар.
22.30 «Хатарли йўл». Бадиий фильм.
23.55-0.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.25 «Кулишни унутманг».
18.40 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.30 «Фаровонлик бекати».
21.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.50 «ТВ-плюс».
22.10 «Спорт-тайм».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Қочоқ келин».
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

8.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.05 «Кайфият» дам олиш дастури.
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «КВН-2001».
12.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.20 «Парле ву франсэ?»
12.45 «Фан-тайм».
12.55 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
13.30-14.00 «Немис тили».
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури.
15.50 «CFI янгиликлари».
РЖТ
16.00 «Жонли табиат».
ЎзТВ-IV
17.00 «Тенгдошлар».
17.20 «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм.
19.20 CFI тақдим этади: Катрин Лара иштирокидаги концерт дастури. 2-қисм.
20.00 «Британия кундалиги».
20.20 «Бизнес-ревю».
20.35 «Подиум».
20.50 «Мюзик-холл».
21.20 Кинематограф. «Далилсиз иш». Бадиий фильм.
23.00 «Таҳлилнома».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин».

ОЙНИНГ ЭНГ ХУШЧАҚЧАҚ КУНИ

Қани эди, ҳар йили биринчи апрел дам олиш кунига тўғри келса! Ўшанда ҳеч ёққа жилмай уйда ўтиришинг, шу тариқа кўча-кўйда кимларгадир кулги бўлишдан асранишинг мумкин.

Тўғри, биринчи апрел баҳонасида беғараз кулги, қаҳ-қаҳа бўлса, саломатлик учун кони фойда. Кулги умрни узайтиради, деган гапга ҳеч ким шак келтирмаса керак.

Дарвоқе, бундай алдов кунни нишонлаш қачондан, қаердан бошланган экан?

Апрел ҳазилининг келиб чиқиши ҳақида бир неча хил тахминлар бор. Айримлар, бу апрел ойида нишонланадиган қадимий баҳор байрамидан қолган одат дейишса, «Биринчи апрелда кимгадир бирор бир юмуш буюриб, уни кулгили аҳволда қолдириш», деб аталган Ўрта аср диний удумининг бир кўриниши эмиш.

Яна бир гуруҳдагилар эса «алдоқчилар куни» Европа мамлакатларига Ҳиндистон, Хитой ва Японияндан келган деб тахмин қилишади.

Биринчи апрел ҳазиллари шу ойнинг ўзгарувчан ҳавосига монанд ҳолда келиб чиққан бўлиши эҳтимол. немисларда «апрел — айёр», итальянларда «апрел — гоҳ кўз ёши тўкади, гоҳ хандон отади», французларда «ёмон тарашанг бўлса, апрелга сақла, асқотади» деган гаплар бор.

«Ҳазил-мутойиба» куни ақидалари Францияда «апрел балиғи» деб аталса, немис ва австрияликлар 1-апрел илгари файзсиз кун саналар, ўша кунда туғилган кишилар келажакда омадсиз бўлади, дейишарди.

Кимда қандай-ю, лекин бизда у беғараз ҳазил-мутойиба, хушчақчақлик куни эканига кўпчилик гувоҳ.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

БЕҒАРАЗ КУЛГУ

Биринчи апрел — беғараз ҳазил-мутойиба куни баҳонасида хушчақчақ кулгу, қаҳ-қаҳа бўлса, саломатлик учун кони фойда. Кулгу умрни узайтиради деганларича бор. Буни қуйидаги фикрлар ҳам исботлаб турибди.

Табассум — одамохунлик белгисидир.

Л.ТОЛСТОЙ.

Қувноқ кишига дунё ҳам кулиб тургандай бўлади.

И.ГЁТЕ.

Кулгу— қуёшдир, у инсон юзидан қишни қувади.

В.ГЮГО.

Табассум — фақат куч белгиси эмас, кучнинг ўзгинасидир ҳам.

А.ЛУНАЧАРСКИЙ.

Ҳаёт — кўзгу. Унда ҳар ким ўз аксини кўради. Чимирилсанг, у ҳам сенга қовоғини солади. Унга кулиб боқ, табассум қил. Шунда сен ҳам хушчақчақ дўст топасан.

В.ТЕККЕРЕЙ.

Гул сувсиз, қуёшсиз сўлганидек, одам ҳам шодликсиз сўнади.

В.КРАЧКОВСКИЙ.

Ҳазил-мутойибани тушунмайдиган одам, умуман ҳеч нарсани тушунмайди.

А.ЧЕХОВ.

Афанди латифалари

АЙБ ЎЗИМДА

Афандининг икки қизи бўлиб, бирини деҳқонга, бирини дурадгорга берган эди. Орадан олти ой ўтгандан кейин қиш кунларининг бирида иккала қизи Афандини кўргани келиб, кечаси сандалда узоқ гаплашиб ўтиришди.

Катта қизи деди:

— Кексайиб, пиёда юришга қийналиб қолдингиз, дада. Агар бу йил ҳаво яхши келиб, ёғингарчилик мўл бўлса, куёвингиз баҳорда қирга буғдой экиб, кузда сизга от олиб бермоқчи.

Кичик қизи деди:

— Агар бу йил ҳаво қуруқ келиб, шаҳарда бинокорлик ишлари юришиб кетса, кузда куёвингиз сизга сигир олиб бермоқчи. Қариган чоғингизда сут-қатиқ керак.

Афанди пешонасига уриб деди:

— Ўҳ-ҳў! Биттанга намгарчилик, биттанга қурғоқчилик керак бўлса, от мингандек, қаймоқ ялагандек бўлдим. Унчалигини билганимда, иккалангни ҳам туякашга берган бўлардим. Айб ўзимда!

ҲУСН-ЖАМОЛ ВА НОН

Афанди хотини билан қаймоқлашиб ўтириб, қорни очиб қолди ва хотинидан нон сўради.

— Нонни нима қиласиз, — деди хотин, — менинг жамолимга қарасангиз тўясиз!

— Ҳусн-жамолинг жуда ўткирлик қилаётибди, — деди Афанди. — Нон ботириб емасам, ичимни куйдириб юборади.

ҲА, ҚЎРҚМАС ЭКАНСАН-А!

Афанди ўчоққа ўт ёқишга кўп уринди, бўлмади, охири уйга кириб, хотинининг рўмолини ўраб чиқиб, пуфлаган эди, ўт ёниб кетди.

— Ҳа, қўрқмас экансан-а! — деди Афанди алангага қараб.

СУЗИЛДИ ЛАҒАНҒА ТИЛ

(ҳазил)

Қўндоқда теккан, севги
Ўлдим-куйдимсиз
бўлмас.
Ўлмасойни кўрди-ю
Ўлди-ю куйди Ўлмас.

Жигардан урди чоғи,
Ўпкасиз қолди тамом.
Кўзи кўр, қулоғи кар,
Қўлида ишқ тўла жом.

Чойхона эсдан чиқди,
Зиёфат қолди сабил.
Ўз ёғига қоврилиб
Сузилди лаганга тил.

Кошки билса ўлганин,
Куйганини Ўлмасой.
Ўлмас дарёдай жўшди,
Ўлмасой — осуда сой.

Умидлар сўнди аста,
Ўлмас ич-этин еди.
Айб йўқ Ўлмасойда...
Биринчи апрел эди.

М.ЗАЙНИДДИН.

ЭРКАКЛАР... КЕЙИНГИ ҲАЁТДА

Машҳур «Космополитан» журнали австралиялик 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида ўтказган сўров натижаларидан маълум бўлишича, уларнинг 97 фоизи аёл киши раҳбарлиги остида ишлашни маъқул кўраркан. Сўров хулосаларига кўра, 90 фоиз эркак эртами-кечми оила қуришни хоҳлар экан. Фақат 20 фоиз эркакгина кейинги ҳаётида аёл бўлиб туғилишни истаркан.

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

БЎЙДОҚЛИК ҚУРСИН

ҲИКОЯ

Дунёда ўз ҳаётини жаннатга айлантирадиган бўйдоқнинг орзусидан ажойиби бўлмаса керак. Тошкентда талабамиз. Курсдошим Собиржонни Қўқонга — она юртга олиб борганман. Унинг елкасида фотоаппарат. Худоёрхон саройини айланиб юриб, ўзимизга ўхшаб етаклашиб юрган иккита қиз билан танишиб қолдик. Дарҳол чиройлиси юракдан урди. Муқимий боғида биргалашиб расмга ҳам тушдик. Улар ҳам Тошкентда талаба экан. Хайрлашишда соҳибжамол менга ётоғи манзилини ёзиб берди. Кейин мулойим оҳангда «сурат битса, албатта олиб боринг, кутамиз» дея жилмайиб қўйди.

Шодлигимнинг чеки йўқ. Тошкентга боргач, расмни тезроқ ишланг, жон дўстим, деб ҳар куни Собиржонга ялинаман. Хуллас, сурат тайёр бўлган кун қизгинанинг ётоғига қушдай учдим. Қоровул кампирга қуюқ салом бериб, тахта шоколодлардан бирини тутқазиб, «67» га бир минутгагина кириб чиқишимни айтдим.

— Борақол, бояқиш! Зўрға турган экансан-да! - кампир мийиғида кулиб «оқ йўл» тилади.

— Қайси қаватда? - сўрадим шошиб.

— Иккинчида. Адашиб юрма, ўнг томондан охиргиси.

Топдим — «67» коридорнинг охирида, ошхонанинг рўпарарағида экан. Эшикни тақиллатай десам юрак қурғур ҳаяжондан элдан бурун дукиллайди. Ахир эшик ортида гўзал қиз Хонзода... Ҳали насиб этса севгилим, маҳбубам бўлади. Балки омадим чопиб биратўла бўйдоқлик ташвишидан ҳам қутуларман. Оҳ-оҳ, гўзалларнинг гўзали — Хонзода! Ахир нима бўлганда ҳам хотиннинг чиройли бўлгани яхши, бир умр маҳрурланиб, илҳомланиб, севиб-севиб, сира севишдан чарчамай, ошиқ Фариб каби ўртаниб-ёниб яшайсан. Ҳаяжондан қўлим қалтираганча секин «67»ни тақиллатдим. Ошхонадан чиқаётган икки қиз менга ғалати қарашиб, хиринглашганча ўтиб кетишди. Жаҳлим чиқди. «Четдан келган поччалар кимга ёқибдики, буларга ёқсам». Мен ҳам уларга ёвқараш қилиб қўйдим. «67»дан эса ҳамон садо йўқ. Эшитишмади чоғи. У ёқ-бу ёғимни тузатган бўлдим-да, эшикни астойдил тақиллатдим. Бояги қизлар эса коридор муюлишида менга қараб баралла тишининг оқини кўрсатиб кулишаяпти. Шу пайт бир барзанги йигит ортимдан келиб елкамга турти.

— Кирасанми?

Нима дейишимни билмай елка қисдим. У бир қўли билан мени четга сурди.

— Бўлмаса, йўлдан қоч! Тоза ўйлаб ол!

У ҳам «хо-хо»лаб «67»нинг эшигини бир тепиб ичкарига кириб кетди. Шитоб ёпилган пуржинали эшик нақ башарамга урилаёзди. «Ия, бу барзанги бизнинг Хонзодага ким бўлди экан? Тарбиясиз! Қизларнинг хонасига ҳам шу тахлит кирадими? Ёки шунчалик ҳадди сиғиб... Ортидан мен ҳам бостириб кирайми? Башарамга «тамға» тушиб қолса-чи? Унга кучим етмас-ов...» Шу орада яна бир йигит келиб «67»га илтифотсиз кириб кетди. Аччиғимдан жоним халқумимга келиб, бор-э, нима бўлса бўлар, деб мен ҳам эшикни ортиқ чертиб ўтирмай шаппа ичкарига бостириб кирдим. Бояги зўравону кейинги кирган йигит ҳам биттадан катакни эгаллаб ҳузур қилиб чўмилишарди. Не кўз билан кўрайки, «67» душ экан...

Адҳам ДАМИН.

Кун йигирма тўрт соатдан иборат. Унинг энг кўп қисмини қаерда ўтказасиз — кўча-кўйдами, тўйдами, уйдами, деб сўраб кўринг-а Обиддан, қандай жавоб қиларкин? Албатта, уйда-да... хаёлан. Нима қилсин, саньаткорнинг пешонасига ёзилгани шу — эл-юрт хизматига ҳамиша камарбаста — қамишдан бел боғлаб ўтади умри. Айниқса, у машҳур бўлса яна ҳам қийин, ҳали телевидение, ҳали концерт, ҳали гастрол...

Шу боис, сиз кўриб турганингиз сурат эл севган қизиқчи Обид Асомов ҳаётидан ноёб кадр десак муболаға эмас. Барибир оилада, фарзандлар даврасида бўлишга нима етсин...

Ўқинг, бу қизиқ

«КУЁВ» ҚАПАСИГА ҚАРАБ ТАНЛАНАДИ

Австралия ва унинг атрофларидаги оролларда учрайдиган мусичадай бу қушларнинг ҳайрон қолдирадиган яшаш қоидалари бор.

Хўрозлари унча кўзга кўринадиган, ўзига жалб этадиган «либослари» бўлмаганлигиданми, «жонон»ларни ўзига ром этиш учун «қурувчилик» маҳоратини ишга солар экан. Яъни, бирон дарахт атрофида чиройли капа қуриб, уни турли ялтироқ нарсалар, шу жумладан, ҳар хил гуллар ва барглар билан безаб чиқаркан... У капани 3-4 ойларда қуриб бўлиб, «келинлар»нинг келишини кутаркан. Агар бу капа ва унинг хўжайини ёқиб қолса макиён розилигини капага кириш билан билдирар экан. Қаранг, куёв келинни эмас, балки аксинча, келин куёв танлайди!

Икковлон бу ерда асал ҳафтасини ўтказгандан кейин, макиёни баланд дарахт шохларига ин қуриб, жўжа очади. «Эрини» ёрдамга чақирмай, болаларини катта қилади. Учишга ўргатгандан кейингина, уларни отасининг капасига олиб келиб, бир-бирига таништиради.

Агар капа қурарларнинг макиёни бўлғувси «куёв» капасига баҳо бериб «ёр» танласа, булбулларнинг макиёни эса «хўжайини» ашуласига маҳлиё бўлиш орқали розилик берар экан. Демак, бунда булбулнинг санъаткорлиги асқотади. Булбулларнинг хўрозлари макиён талашиб «жанг» қилишмайди — уларнинг асосий қуроли — хонандалик маҳорати!

Тайёрловчи: Ғофур ЖЎРАЕВ.

Шохмот ҳангомалари

БЕЗ АЙТМАНГ

Икки рақиб ўйинига учинчи киши аралашса ишнинг пачаваси чиқади.

Лекин чойхона, клуб ва бошқа жойларда тўпланиб, завқ билан шахмат ўйнаётганлар ўйинларини томоша қилаётганларнинг қўлини «боғлаб», оғзига «элак» тутиб бўлармиди?!

Бундан эллик йилча бурун чойхоналардан бирига келиб турадиган «ашаддий» шахматчилар орасида кексароқ ёшдаги бир рус киши бўлиб, ўйнаш навбати келди дегунча шошилиб дона теришга тушарди. Ҳар гал ўйин бошлашдан олдин у атрофдагиларни:

— «Без айтманг, без айтманг», — деб такрортакрор огоҳлантирарди. Кейин билсам бу: «айтиш йўқ», дегани экан.

Мана шу киши пайдо бўлиши билан ҳазилкаш дўстлари: Ана, домла, без айтманг ҳам келиб қолдилар, деб аския қилишга одатланиб кетдилар. «Домла, без айтманг» ҳам уларга қўшилишиб, яйраб куларди.

АЗБАРОЙИ ЖИҚИР-ЖИҚИР

— Оббо чакаккинангдан олгур-ей, — дейишарди хирароқ бир шахмат ҳаваскорининг қораси кўриниши билан. Ҳаммадан кўра у «домла, без айтманг»нинг жиғига кўпроқ тегарди. Домла бир куни фиғони ошиб «Хира»га бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин ўзбекчалаб айтишга сўз тополмади шекилли, русчалаб ғулдураб қўйди. Шунда буни сезган сўзамол шахматчилардан бири жилмайиб «Домла, сиз айтмоқчи, бу кишининг отини бугундан бошлаб «Азбаройи жиғир-жиқир» қўйсак деди. Йиғилганлар хўп хандон ташлаб кулишди. Шу-шу умрининг охиригача у кишининг номи ўзгармай «Азбаройи жиқир-жиқир»лигича қолган эди.

ШОШИБ ҚОЛДИ ТАНДИРЧИДЕК...

Чойхонадаги столлардан ясалган тўрт бурчак атрофига одам сиғмай кетган. Унинг ёнида эса гоҳ соқолини қашлаб, гоҳ рўмолчаси билан кўзларини артаётган бир киши гирдикапалак бўлиб юрибди: қўлию оғзи тинмайди. Гиламлару, атлас кўрпачалар тўшалган узундан-узоқ икки супачада чордона қуриб чойхўрлик қилаётганларнинг қулоғи ҳам шу тарафга динг.

— Тошбақа тухумига тикилгандек ўтираверамизми? — деган овоз чиқди ўртадан.

Кулги кўтарилди.

Суриштирсам бу безовта одам устозимиз Аълам почча (Наманганда «амаки» ўрнига кўпроқ «почча» дейиларди) экан. У киши 20-25 шахмат тахтасида бир йўла сеанс берарди. Ўтирганлар орасида турли ёшдагилардан топилади. Сеансчи ўрни келганда уларнинг ҳар қайсисига монанд юришлар қилиб, қизиқ-қизиқ сўзлар, шеърлар айтаяпти.

— Шунча одамга бас келаётган бу чолнинг мияси айниб кетмаганига ҳайронман, — деди ёнимда турган йигит. — Боз устига гапини ҳам бермайди-я.





Аълам почча тахталарнинг бирига келганда узоқроқ тўхтаб қолиб, шашти қайтгандек бўлди:

— Бўлинг, ўғлим, юринг, ишим қистаброқ, — дедию, мийиғида кулиб, атрофга қараб қўйди. Унинг рўпарасида ўтирган ўйинчи ҳали, бир хулосага келмаган бўлса керак, бош қашлаганча нима қиларини билмай ўтирарди. Сеансчи йигитнинг олдидан кетмай туриб олди. Кейин билсам Аълам-нинг қўли пастроқ бўлгани учун ўйинчига «пўписа» қилаётган экан. Одатда сеанс бераётган киши баъзан ана шунақа йўл тутиб, аҳволини тузатиб олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳол ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтган.

Йигит юриш қилолмай питирлаб қолди. Шунда Аълам:

— Шошиб қолди тандирчидек, акам лойига жун излаб, — деди-ю, кафтларини бир-бирига ишқай кетди.

Сеансчи бутун Фарғона водийсида машҳур шахмат ташкилотчиси Мирсоли Шокиров бўлиб, уни «,Мот Аълам» лақаби билан танишарди. Аълам бор жойдан шахмат жангларию кулгу аримасди.

М.МУҲИТДИНОВ.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раёсати

Тамара МУРСАЛИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6